O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 26 сентябрь, № 191 (4344) Чоршанба

# ПОЛОСОННИНГ МАШҲУР КОРХОНАСИ




*Полосонлик чевар қизларни бугун ҳамқишлоқлари ҳурмат билан тилга олишади. Чунки улар ўз қишлоғи номини машҳур қилишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.*

Гап шундаки, Олтиариқ туманининг Полосон қишлоғидаги "Фромодда-текстиль" масъулияти чекланган жамиятининг чеварлари тикаётган бежирим кийим-кечаклар ички бозоримиздагина эмас, балки чет давлатларда ҳам харидоргир бўлиб бормоқда.

Эркаклар футболкалари, болалар ва аёллар кийимлари "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи билан экспорт қилинаяпти. Яқинда корхона маҳсулотлари Россия давлатига ҳам жўнатилди.

Корхонада замонавий хориж дастгоҳлари ўрнатилган бўлиб, бу юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш имконини бериш билан бирга, иш суръатининг ошишига ҳам хизмат қилмоқда. Бу ерда 30 нафар чевар томонидан бир сменада 800 дона эркаклар футболкаси, кўплаб турдаги болалар ва аёллар кийимлари тикилмоқда.

Корхона жамоаси буюртмачиларнинг бу йилги талабларини тўлиқ бажариб, келгуси йил экспорт ҳажмини беш бароборга оширишга аҳд қилишган.

**СУРАТДА:** чевар Муҳайё Қодирова.

**М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

---

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 22 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 24 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда) **73-моддаси тўртинчи қисмининг «г» бандидаги** «жиноий уюшма ташкил этиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **531-модданинг саккизинчи қисмидаги** «мол-мулкни мусодара қилиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **539-моддадаги** «ички ишлар органи» деган сўзлар «жазони ижро этувчи органлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **546-модда**:

**биринчи қисмидаги** «гарнизон ҳарбий судининг судьяси томонидан ана шундай турдаги жазоларнинг муддати тугагач, қўмондонликнинг илтимосига биноан ушбу Кодекснинг 545-моддасида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади» деган сўзлар «округ ҳарбий судининг ёки ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан ана шундай турдаги жазоларнинг муддати тугагач, қўмондонликнинг илтимосномасига асосан кўриб чиқилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги таҳрирдаги **иккинчи – тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги масала округ ҳарбий судининг ёки ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан кўриб чиқилаётган пайтда илтимоснома ким ҳақида киритилган бўлса, шу шахснинг, шунингдек илтимоснома киритган қўмондонликнинг вакили қатнашиши шарт.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мавжуд материалларни ўқиб эшиттиришдан бошланади, сўнг округ ҳарбий судининг ёки ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси чақирилган шахсларни тинглайди, маҳкумнинг хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтида виждонан хизмат қилганлигидан ва намунали хулқ-атворидан далолат берувчи маълумотларни аниқлаб олади.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан округ ҳарбий судининг ёки ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси чиқарган ажрим устидан умумий тартибда шикоят берилиши ва протест билдирилиши мумкин».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **162-модда** чиқариб ташлансин;

2) **179-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади».

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 24 сентябрь
№ ЎРҚ — 115

---

▼ Анжуман

*Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли" мавзуидаги маърузасида очиқ ва кучли фуқаролик жамиятини аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва кенг қатламлари манфаатларини ифода этадиган эркин оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг ривожланган тизимисиз тасаввур этиб бўлмаслиги алоҳида таъкидланди.*

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Пойтахтимизда ташкил этилган "Фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш — миллий тараққиётнинг устувор вазифаси: мамлакат оммавий ахборот воситалари олдида турган долзарб масалалар" мавзуидаги республика конференциясида давлатимиз раҳбари маърузасида мазкур йўналишда белгилаб берилган вазифаларни бажаришда оммавий ахборот воситалари вакиллари олдида турган ишлар атрофлича муҳокама этилди.

Анжуман Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Журналистлар ижодий уюшмаси кўмагида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирликлар, давлат ва жамоат ташки-

(Давоми 2-бетда).

---

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ КАФОЛАТИ

***Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб, аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини муттасил ўстириб бориш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган барқарор ва кучли ижтимоий сиёсат амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, кексалар тўғрисида ғамхўрликни ҳар томонлама кучайтириш, уларнинг пенсиялари миқдорини кўтариш, умуман, пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириб бориш ана шу сиёсатнинг муҳим таркибий қисмларидир.***

Юртбошимиз томонидан ҳар уч йилда аҳоли даромадлари ва иш ҳақининг ўртача ҳисобда 2 — 2,5 баробар оширилишини таъминлаш, Ўзбекистонни яқин йиллардаёқ ўз аҳолиси даромадлари ва фаровонлигининг юксак стандартларини таъминлаётган мамлакатлар даражасига кўтариш муҳим стратегик вазифа сифатида қўйилмоқда. 1992 йилдан буён Президентимизнинг худди шу мақсадларга қаратилган 40 га яқин фармонлари ҳаётга жорий этилди.

— Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаб боришга доир чора-тадбирлар тизимида пенсионерлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш муҳим ўрин тутади, — дейди биз билан суҳбатда республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Пенсия таъминоти бошқармаси бошлиғи Маҳмуд Зиёдуллаев. — Ватанимизда пенсия тизимининг қонунчилик базаси ва механизмлари узлуксиз такомиллаштириб борилмоқда. Айрим далилларни келтирайлик. Масалан, 1999 йилдан буён камида 20 йиллик суғурта бадаллари тўланган меҳнат стажига эга бўлган аёлларимиз, одатдагидай, 55 ёшдан эмас, балки 54 ёшдаёқ имтиёзли (яъни, муддатидан бир йил олдин) пенсияга чиқарила бошланди. 2002 йилнинг 1 январидан мамлакатимизда пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган меҳнат стажи давомийлигини чеклаш бекор қилинди. 2005 йилдан бошлаб эса пенсия маблағларини фуқароларнинг жамғарма ҳисобварақларида якка тартибда жамғариш тамойилларига асосланган пенсия тизимининг янги қўшимча механизми жорий этилди.

▼ Бизнинг шарҳ

Маҳмуд Зиёдуллаев ўз фикрини давом эттириб, яна шундай деди:

— Энди, мана, давлатимиз раҳбарининг бу йўналишда шу йилнинг 17 сентябрида «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» янги Фармони эълон қилинди.

Ушбу Фармоннинг муҳим хусусияти нимада? У мамлакатимизда пенсия таъминотини такомиллаштиришда қандай аҳамият касб этади?

Бизнинг ана шундай саволларимизга мутахассис суҳбатдошимиз қуйидагича жавоб қайтарди:

— Ҳозирги кунда мамлакатимизда пенсия ёшига етган фуқароларнинг сони деярли 3 миллион нафарга яқинлашиб қолди. Президентимизнинг Фармони ана шу ҳурматли ватандошларимиз даромадининг асосий манбаи бўлган пенсияларни янада кўпайтиришни таъминлаш бўйича навбатдаги аниқ-равшан вазифаларни белгилаб берди.

Маълумки, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддасига биноан, шу пайтгача пенсияни ҳисоблаб чиқаришда энг кам иш ҳақининг 7 каррасидан ошмайдиган ўртача иш ҳақи даражасига амал қилинар эди.

(Давоми 2-бетда).

---

## «Ўзбекистон юксалишлар мамлакатидир»

***Айни кунларда дунёнинг турли мамлакатларида Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб юртимиз дипломатия ваколатхоналари кўмагида ташкиллаштирилган тантанали тадбирлар бўлиб ўтмоқда.***

Уларда иштирок этаётган расмий ва ишбилармон доиралар вакиллари, таниқли жамоат арбоблари, дипломатия миссиялари ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари, журналистлар мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг натижаларини юксак баҳоламоқда. Жумладан, **Деҳли**да бўлиб ўтган тантанали қабул маросимида Ҳиндистоннинг саноат сиёсати ва тараққиёт давлат вазири А. Кумар ҳамда Ҳиндистон — Марказий Осиё жамғармаси президенти К. Сантанам сўзга чиқиб, икки мамлакатнинг чуқур илдизларга эга бўлган алоқалари доимо дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч туйғуларига асосланганини таъкидлади. Шу ўринда Ҳиндистон ҳукумати вакиллари Ўзбекистоннинг мустақиллик йиллари давомида икки мамлакат ҳамкорлик кўлами янада кенгайганини ва жадал тус олганини мамнуният билан таъкидлади.

▼ Дунё нигоҳи

Қутлуғ байрам муносабати билан **Боку**да бўлиб ўтган тадбирда Озарбойжон Республикаси Миллий Мажлиси спикерининг биринчи ўринбосари Зиёфат Асқаров икки халқ ўртасидаги муносабатлар доимо дўстлик ва биродарлик руҳида равнақ топиб келганига эътибор қаратди.

— Биз Ўзбекистон Республикаси турли соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз, — деди у. — Аҳоли сони жиҳатидан Марказий Осиёдаги энг йирик мамлакат бўлмиш Ўзбекистон бутун минтақага ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда. Биз Ўзбекистон билан муносабатларимизни янада чуқурлаштириш ва ривожлантиришдан манфаатдормиз.

**Исломобод**да ўтказилган қабул маросимида Покистон ҳукумати номидан вилоятлар ва ҳудудлар ишлари бўйича федерал вазир Сардор Ёр Муҳаммад Ринд ҳамда нефть ва минерал ресурслар давлат вазири Носир Менгал иштирок этди.

Меҳмонлар олдида сўзга чиққан Сардор Ёр Муҳаммад Ринд Марказий Осиёнинг етакчи мамлакати бўлган Ўзбекистон минтақада барқарорлик ва иқтисодий тараққиётнинг юқори суръатини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

— Покистон ҳукумати Тошкент билан ҳам икки томонлама, ҳам халқаро ташкилотлар доирасидаги муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор, — деди вазир.

Юртимиз истиқлолининг 16 йиллигига бағишланган қабул маросими **Берлин**да ҳам байрамона руҳда ўтди.

Йиғилганлар Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасининг мазмун-моҳияти билан танишдилар. Меҳмонларга, шунингдек, мамлакатимиз мустақиллик йилларида эришган ютуқлар, жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнларининг бориши, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари, миллий ва маънавий қадриятларни қайта тиклаш мақсадида амалга оширилган ишлар хусусида атрофлича ахборот берилди.

(Давоми 2-бетда).

---

## ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

***Кеча пойтахтимиздаги «Ўзкўргазмасавдо» мажмуида «ICTExpo — 2007» ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) миллий кўргазмаси ўз ишини бошлади. Ҳар йили ўтказиладиган мазкур анъанавий кўргазма бу гал АКТ ҳафталиги доирасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтмоқда.***

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А. Орипов сўзга чиқиб, ахборот технологиялари ҳафталигини ўтказиш иштирокчилар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратибгина қолмай, маҳсулотнинг харидоргирлигини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Кўргазмада Ўзбекистон, Россия, Украина, Хитой, Корея Республикаси, Венгрия каби бир қанча давлатларнинг тизимли интеграция, мобиль алоқа компаниялари, интернет-провайдерлар, телекоммуникация ҳамда компьютер ускуналарини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи 90 дан ортиқ компаниялари ўзларининг 300 дан зиёд турдаги маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Улар орасида жаҳонга машҳур Motorola, Siemens, Alcatel, Хитойнинг Huawei ва

▼ Кўргазма

ZTE Co компаниялари бор. Мамлакатимиз ахборот технологиялари соҳасидаги етакчи компаниялар, жумладан, «USD — Micros», «Agata — Impex», «Sharifa — T», «Fido — bizness», «Baik Technologies», «Авиаброк Консауд» ҳам ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда.

Мазкур тадбир бир вақтнинг ўзида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилаётгани боис, иккала кўргазма залларига онлайн-видео тизими ўрнатилди. Натижада, ташриф буюрувчилар бир йўла ҳам пойтахтдаги, ҳам Самарқанддаги кўргазма маҳсулотларини кўриш имкониятига эга бўлишмоқда.

Тадбир доирасида давра суҳбатлари, анжуманлар ва яна кўплаб кўнгилочар лойиҳаларнинг ташкиллаштирилиши иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотаяпти. Масалан, кўргазманинг иккинчи кунида шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов онлайн тарзда самарқандлик шахматчилар билан тезкор шахмат мусобақасида дона суради.



Самарқанд шаҳридаги «ICTExpo — 2007» кўргазмасининг очилиш маросимида Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи А. Баҳромов қатнашди.

Эслатиб ўтамиз, «ICTExpo — 2007» кўргазмаси 27 сентябрга қадар давом этади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида

(Давоми. Боши 1-бетда).

лотлари, марказий, ҳудудий босма ва электрон оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Х. Дўстмуҳамедов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси раҳбари Ф. Абдухолиқов, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди раҳбари Ж. Ҳакимов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилишдек масъулиятли жараёнда миллий матбуотни янада ривожлантириш, унинг фаолиятини эркинлаштириш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги кенг кўламли ишлар ўз самарасини бераётганини таъкидладилар.

Бугун тезкорлик билан ўзгариб бораётган замонда, глобаллашув жараёнида халқимиз, айниқса, ёшларни турли маънавий-ахлоқий ҳамда мафкуравий хуруж ва таҳдидлардан ҳимоялашда оммавий ахборот воситаларининг масъулиятини ошириш долзарб масалага айланди. Шу билан бирга, ахборот маконидаги кучли рақобат муҳити журналистлардан ён-атрофда рўй бераётган воқеаларга теран тафаккур, зийрак нигоҳ билан қарашни, чуқур таҳлил баробарида қатъий ва фаол фуқаролик позициясидан ёндашувни, миллий манфаатларимизнинг том маънодаги ҳимоячиларига айланишини талаб этаётгани алоҳида таъкидланди.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Маҳалла тарихи

■ Самарқанддаги Ёшлар марказида «Маҳаллам тарихини ўрганаман» мавзуидаги республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган маҳаллалар жамоалари иштирок этдилар.

Танлов иштирокчилари билим ва кўникмаларини, бадиий маҳоратларини савол-жавоб ва саҳна кўринишлари орқали намойиш этишди. Ўзлари истиқомат қилаётган маҳалла тарихини, халқимизнинг қадимий анъана ва урфодатларини бошқалардан кўра ёрқинроқ ифода этган Самарқанд шаҳридаги Янги Хайробод маҳалласи ёшлари жамоаси танловда ғолиб чиқиб, республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Замонавий технология афзаллиги

***«Пешкупахтатозалаш» очиқ акциядорлик жамияти мамлакатимиз Президентининг «2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, янги технология билан жиҳозланди.***

■ Жумладан, пахтани чигитдан ажратувчи ускуналар янгиланди, толани механик тарзда тойлайдиган ускуналар ўрнини гидравлик усулда ишлайдиган жиҳозлар эгаллади. Янги «СХС» русумли ускуна эса пахтани бир йўла тозалаб қуритади.

Натижада, тола сифати яхшиланиши билан бирга, мавсум давомида камида қирқ минг киловатт соат электр энергияси тежаб қолинадиган бўлди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Саломатлик ҳафталиги»

***Республика Халқ таълими вазирлиги ва ЮНИСЕФ ташаббуси билан Жиззах вилоятида «Саломатлик ҳафталиги» ўтказилди.***

■ Шаҳар ва туманларда бўлиб ўтган тадбирларда аҳолини парранда грипи хавфидан огоҳ қилиш, профилактика ва касалликка қарши оммавий кураш усуллари ҳақида маърузалар, суҳбатлар тингланди. Шунингдек, мавзуга оид ҳужжатли фильмлар ҳам намойиш этилди.

Тадбир давомида умумтаълим мактабларида иншолар танлови ташкил қилинди. Ғолиблар вилоят ва республика танловларида қатнашадилар.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Халқаро сертификат берилди

***«Навоийазот» ОАЖ ишлаб чиқараётган маҳсулотлар тури ва миқдори тобора кўпайиб бораяпти.***

■ Менежмент тизими жорий этилгани ва ишлаб чиқариш жараёнларининг такомиллашгани муваффақиятлар омили бўлаётир.

Яқинда «SGS-Tashkent, Ltd» ташкилоти томонидан ўтказилган сертификатлаш аудитида корхона «Ўзстандарт» агентлиги ва «UKAS» Англия миллий аккредитация ташкилотининг ISO — 9001:2000 халқаро стандарти талабига мос бўлган сертификат билан тақдирланди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Энди Президентимизнинг янги Фармонига кўра, шу йилнинг 1 октябридан бошлаб пенсияни ҳисоблаш учун асос бўладиган иш ҳақининг максимал миқдори энг кам иш ҳақи миқдорининг 7 каррасидан 8 каррасигача оширилади. Шу ўринда айтиб ўтайлик: мазкур Фармон нафақат 2007 йилнинг 1 октябридан пенсияга чиқадиган шахсларга, балки, айни пайтда, ҳозирги кунда пенсияда бўлган фуқароларга ҳам тааллуқлидир. Яъни, Фармон асосида, биз юқорида эслаб ўтган қонуннинг 31-моддасига биноан илгари тайинланган пенсиялар миқдори ҳам янги норматив асосида қайта кўриб чиқилади.

— Президентимиз Фармони асосида амалиётга жорий этилган мана шу янги норматив пенсия таъминоти механизмини такомиллаштиришда қандай ўрин тутади?

— Бунинг аҳамияти шундаки, — дейди Маҳмуд Зиёдуллаев, — шу йилнинг 1 октябридан бошлаб пенсияга чиқишидан олдин меҳнат билан шуғулланиб, нисбатан юқори миқдорларда иш ҳақи олиб келган фуқароларнинг талайгина қисми учун мана шу янги норматив асосида тайинланадиган пенсиялар миқдори анча кўтарилади. Уларнинг моддий фаровонлиги яхшиланади, бу эса ҳаётда ижтимоий адолат тамойиллари янада мустаҳкамланишини таъминлайди. Ахир меҳнат қилиб турган чоғларда юқори иш ҳақига эга бўлган фуқаролар эски ҳисоб-китоб андозаларида пенсияга чиқадиган бўлса, ҳаётда қисиниб-қимтиниб қолишлари ҳеч гап эмас. Давлатимиз раҳбарининг янги Фармони бу масалани адолатли асосларда ҳал этишга шароит яратади.

Шу ўринда яна бир зарур изоҳни айтиб ўтай. Маълумки, 2007 йилнинг 1 августидан ойлик иш ҳақлари, пенсиялар миқдори 1,25 баробарга оширилган эди. Пировардида, 2007 йилнинг август ҳолатидаги тузатувчи коэффициентларни қўллаш орқали иш ҳақи ва пенсиялар миқдори оширилди. Шунда ҳам, фуқароларнинг ўртача 1 ойлик иш ҳақи энг кам иш ҳақининг 7 карра суммаси билан чегараланиб, пенсия миқдорлари ҳисоблаб чиқилган. Энди эса энг кам иш ҳақининг ана шу миқдори 8 каррага кўпайтирилганида пенсияни ҳисоблашга асос бўладиган даромадлар миқдори ҳам анча ортади ва бу ҳисоб-китоб пенсияларнинг ошишига олиб келади.

— Юртбошимиз Фармонининг ижросини таъминлаш бўйича вазирлик томонидан шу кунларда қандай иш олиб борилмоқда?

— Фармон матбуотда эълон қилиниши биланоқ вазирлигимиз томонидан унинг ижросини таъминлаш мақсадида тегишли буйруқ чиқарилиб, дарҳол жойларга етказилди. Вилоятлар, туманлардаги ижтимоий таъминот бўлимларига шу масалага тааллуқли йўл-йўриқлар баён этилган методик кўрсатмалар ҳам жўнатилди. Шунингдек, хизмат тизимида мавжуд пенсия таъминоти билан боғлиқ компьютер дастурларига зарур ўзгартишлар киритилди. Тегишли қонунчилик ҳужжатлари ҳам қайта кўрилмоқда.

Шу билан бирга, вазирлик ходимлари оммавий ахборот воситалари орқали ва бевосита маҳаллалар, корхоналар, ташкилотларга бориб, Фармоннинг мазмун-моҳияти бўйича тушунтириш ишларини олиб боришаяпти. Вазирликда «Ишонч телефони» мунтазам ишлаб турибди. Уларга малакали мутахассислар бириктилган. Фуқаролар телефон орқали ўз саволларига тўлиқ жавоблар оляпти.

— Пенсионерлар ўз пенсияларини қайта ҳисоблатиш мақсадида тумандардаги ижтимоий таъминот бўлимларига боришлари шартми?

— Йўқ. Бу борада оворагарчиликларга йўл қўйилмайди. Пенсионерлардан пенсияларини қайта ҳисоблаш учун ҳеч бир қўшимча ҳужжат талаб қилинмайди. Туман ижтимоий таъминот бўлимларидаги «Пенсия иши»даги мавжуд ҳужжатларга асосан пенсия миқдорлари қайта ҳисобланади.

Президентимиз Фармони мамлакатимиз жамоатчилиги томонидан алоҳида бир қизиқиш ва мамнуният билан кутиб олинди. Таҳририятимизга шу муносабат билан кенг жамоатчилик вакилларидан хатлар келяпти. Телефонлар бўлмоқда. Мана, битта мактуб.

«Телевизордан Юртбошимизнинг «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини эшитдим, — деб ёзади бизга пойтахтимизнинг Юнусобод туманида яшовчи пенсионер аёл Насиба Йўлдошева. — Мен Тошкент шаҳрининг Ишчилар шаҳарчаси ҳудудидаги тиббиёт касб-ҳунар коллежида кўп йиллар давомида ўқитувчи бўлиб ишлаб, пенсияга чиқдим.

Президентимизнинг Фармони барча пенсионерлар қаторида менинг дилимни ҳам равшан қилиб юборди. Яқинда, 1 августда пенсиям миқдори ошган эди. Мана, энди яна кўпаяди. Мен Фармон газетада чиққан заҳоти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида ўрнатилган «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилиб, мутахассислар ёрдамида Фармоннинг мазмун-моҳиятини тўлиқ ва аниқ тушуниб етдим. Фармон ўз вақтида ва ғоятда эзгу мақсадда қабул қилинганлигига ишончим комил бўлди. Энди менинг 120 минг сўмлик даромадим пенсиям миқдорини ҳисоблашда тўлиқ инобатга олинадиган бўлди.

Юртбошимиз биз, пенсионерлар ҳаётдан мамнун яшашимиз, нонимизнинг бутун бўлиши йўлида тинимсиз ғамхўрлик кўрсатаяптилар. Пенсияларимизни яна ва яна оширмоқдалар. Бундай халқпарвар Йўлбошчи бошимизда борлигидан Аллоҳга мингдан-минг шукроналар изҳор этиб яшаяпмиз. Президентимиз, илоҳим узоқ йиллар омон бўлсинлар. Элим деб, юртим деб амалга ошираётган сиёсатлари ва ишларига Эгамнинг ўзи ривож берсин!»

**Михли САФАРОВ,**
**шарҳловчи.**

# «Ўзбекистон юксалишлар мамлакатидир»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбирда сўзга чиққан Бремен шаҳри сенатининг маданият ва спорт масалалари бўйича давлат маслаҳатчиси, «Германия-Ўзбекистон-Бремен» жамияти раиси Э. Мочманн хоним «Ўзбекистоннинг иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бораётгани мамлакатдаги ўзгаришлар муваффақиятли кечаётганидан далолат беради», дея таъкидлади.

ГФРнинг Европарламентдаги депутати Э. Йеггле Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт борасида улкан салоҳиятга эга эканини қайд этди.

— Мустақиллик йилларида юртингиз халқи ўзининг беқиёс ва қадимий маданияти, урфодатлари ва динини қайта тиклабгина қолмай, балки айни пайтда муваффақиятли тарзда ривожлантириб бормоқда, — деди евродепутат.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари билан **Буюк Британия**да ҳам танишдилар. Маърузаларда таъкидландики, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг изчиллиги ва пухта ўйланганлиги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳалардаги ислоҳотлар муваффақиятининг гарови бўлмоқда.

Кембридж университетининг Марказий Осиё бўйича форуми раиси, профессор Сидхарт Саксена Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт модели тўғри эканига ишонч билдирган ҳолда ушбу моделнинг амалга оширилиш босқичлари Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девони қўшма мажлисидаги маърузасида ўз ифодасини топганига эътибор қаратди.

Ўзбекистоннинг **Брюссел**даги дипломатия ваколатхонасида ўтказилган тантанали қабул маросимида сўзга чиққан Брюссель эркин университети фахрий профессори, бельгиялик кўзга кўринган тарихчи олим Жан Бланкофф 16 йил тарих нуқтаи назаридан қисқа давр ҳисобланса-да, аммо шу вақт давомида Ўзбекистон юксалишлар мамлакатига айланганини таъкидлади.

— Ўзбекистон мамлакат раҳбариятининг тўғри танланган сиёсатига асосланган ҳолда ўзининг жадал тараққиётини давом эттиришига ишонаман, — деди олим.

Европанинг «маданий пойтахти» — **Париж**да ўтказилган қабул чоғида Франция Ташқи ишлар вазирлигининг Континентал Европа департаменти директори ўринбосари Доминик Газюи хоним сўзга чиқиб, Франция Марказий Осиёда муҳим геостратегик ўрин эгалловчи Ўзбекистон билан икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратишини қайд этди.

Франция Миллий ассамблеяси депутати, Лувор шаҳри мэри Бернар Кареон эса Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданиятига эътибор қаратди.

— Халқларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар сарчашмалари қадим замонларга бориб тақалади, — деди у. — Ўзбекистон ўзининг иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятидан самарали тарзда фойдаланмоқда. Мамлакатга кириб келаётган хорижий сармоялар ҳажмининг ортиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир. Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги жадал ҳамкорлик кўлами янада кенгайишига ишонаман. Мамлакатларимиз маданий ва тарихий жиҳатдан кўплаб ўхшашликларга эга экани халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**«Жаҳон» АА.**




***Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "Power Uzbekistan — 2007" II Ўзбекистон халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси иш бошлади. Тадбир "ITE Uzbekistan" ва "I.T.E. Exhibition& Conferences Ltd" (Буюк Британия) кўргазма компаниялари томонидан ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, "Ўзбекэнерго" ДАК, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг "Ўзсувэнерго" ихтисослаштирилган бирлашмаси ва бошқа ташкилотларнинг расмий кўмагида бўлиб ўтмоқда. Унда энергетика соҳаси ривожланган Германия, Россия, Австрия, Туркия, Украина, Ўзбекистон каби дунёнинг 10 дан зиёд мамлакатидан салкам 70 та компания ўз маҳсулот намуналари ва хизмат кўрсатиш турлари билан иштирок этмоқда.***

▼ **Ҳамкорлик**

# ЭНЕРГЕТИКАНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Кейинги йилларда бошқа соҳалар қатори, мамлакатимиз энергетика тизимида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, йирик ёқилғи-энергетика мажмуаси яратилиб, Ўзбекистон энерготизими минтақада электр қувватини ишлаб чиқариш ва уни етказиб беришда етакчига айланди. Марказий Осиё бирлашган энергетика қувватларининг қарийб 50 фоизи юртимиздаги иссиқлик электр станцияларида ишлаб чиқарилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

"Ўзбекэнерго" ДАК тизимида эса 53 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимиздаги ИЭСларнинг умумий қуввати 12,4 млн.кВт.ни ташкил этади. Бешта йирик иссиқлик электр станциясида ҳам қуввати 150дан 800 МВт.гача бўлган энергоблоклар узлуксиз ишлаб турибди. Бундан ташқари, компанияга қарашли электр узатиш линияларининг узунлиги 235 минг км.дан ошади. Кучланиши 220-500 кВ. ва узунлиги 7,5 минг км. бўлган электр узатиш линияларининг конфигурацияси тизимнинг барқарор ишлашини таъминламоқда. Натижада, халқ хўжалигининг барча тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжини электр қуввати билан таъминлашда узилишлар бўлмаётир. Бир қатор қўшни давлатларга электр қуввати экспорт қилинаётгани эса давлатимизда энергетика соҳаси тобора юксалиб бораётганидан дарак беради. Шу билан бирга, тармоқда қувват ҳосил қилувчи янги манбаларни яратиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб этиш, энергетика иншоотларининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Айни чоғда, электр қувватини ишлаб чиқариш ва уни тақсимлаш бўйича бир қатор йирик лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилаётир. Хусусан, Япония Халқаро ҳамкорлик банки кредит маблағлари ҳисобига "Тошкент ИЭС"ни модернизациялаш, пойтахтимизни ташқаридан энергия билан таъминлаш иншоотлари (Хитойнинг «Эксимбанк»и билан ҳамкорликда) ва юқори вольтли электр узатиш линияларини қуриш каби устувор лойиҳалар бажарилади. Тегишли режага кўра, шунингдек, яқин уч йил ичида тармоққа 300 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилади. "Power Uzbekistan — 2007" II Ўзбекистон халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси бу борада муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, кўргазмада гидро, иссиқлик ва атом электр станцияларини яратиш бўйича етакчи компаниялар, энерготизимлар, узатиш линиялари учун ускуналар ишлаб чиқарувчи ва ўрнатиш бўйича хизмат кўрсатувчи, шунингдек, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишларини бажарувчи корхона ва фирма вакиллари иштирок этмоқда. Унинг стендларидан электр машиналари, бутловчи қисмлар, паст ва юқори вольтли ускуналар, назорат ўлчовчи асбоблар, мукобил энергия манбалари, электроника компонентлари, сим ва кабеллар, ёритиш мосламалари ва бошқа маҳсулот ҳамда хизмат кўрсатиш намуналари жой олган.

Тадбир ташкилотчиларининг маълум қилишича, бу йилги кўргазма иштирокчилари ва экспонатлар салмоғи ўтган йилдагига нисбатан 60 фоизга кўпайган. Бу, ўз навбатида, хорижий ҳамкорларнинг юртимиз энергетика бозорига қизиқиши ортаётганидан далолат беради.

Кўргазма иштирокчиларидан бири — Россиядаги "Кольчугун электрокабель заводи" ОАЖ корхонаси вакили Наталья Пфаненштиль анжуман хусусида шундай фикр билдирди:

— Аввало, Ўзбекистоннинг географик жиҳатдан қулай жойлашуви, шунингдек, у минтақада электр қувватини ишлаб чиқаришда етакчи ўринни банд этиши, юртингизда кўплаб иссиқлик электр станциялари мавжудлиги, айни пайтда, янгиларининг барпо этилаётгани биз, ишлаб чиқарувчиларни тенг манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга ундайди. Ушбу халқаро кўргазма давомида ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан истиқболли ва самарали шартномалар имзолаймиз, деб ўйлайман.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Фармон ва ижро

***Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида халқимиз турмуш шароитини яхшилашга доир чора-тадбирлар тизимида соғлиқни сақлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.***

# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВА СОЛИҚ СИЁСАТИ

Соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида аҳолига шошилинч ва юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун юксак талабларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган шифохона ва бўлимлар тармоғи ташкил этилди. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар рўй берди. Самарасиз ишлаётган фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва қишлоқ амбулаторияларй ўрнида замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган уч мингдан зиёд қишлоқ врачлик пункти ташкил этилди.

Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш тизимининг ҳар томонлама қайта кўриб чиқилиши аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни сифат жиҳатдан яхшилаш имконини бермоқда. Натижада, кейинги 2-3 йилда соҳа ходимларининг иш ҳақи 2 баробардан зиёд кўпайди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 19 сентябрда қабул қилинган "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"-ги Фармони бу ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида мазкур Фармон ижросига бағишлаб ўтказилган йиғилишда шу ҳақда сўз борди. Қўмита раиси Ботир Парпиев Президентимизнинг мазкур Фармони аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш борасидаги ғоят муҳим ҳужжат эканини, унинг ижросини таъминлаш солиқ соҳаси ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклашини алоҳида таъкидлади.

Фармонда қайд этилганидек, 2007 йилнинг 1 октябридан аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) тиббиёт муассасаларининг товарлар (иш, хизматлар) сотиш ҳажмларидан тушадиган даромадлари бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказиладиган мажбурий ажратмалар ва ягона ижтимоий тўловлардан ташқари, 5 йил муддатга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан озод этилади. Бўшайдиган маблағлар тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга мақсадли равишда йўналтирилади.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган йиғилишда иштирокчилар бу йўналишда ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ТЕЗ ВА ТЕЖАМЛИ

## ҳисобот топширишнинг электрон шакли солиқ тўловчиларга ҳар томонлама қўл келмоқда

***Хўжалик юритувчи субъектларнинг тегишли идораларга ўз фаолияти юзасидан молиявий ҳисоботлар топшириб туриши — табиий ҳол. Айни пайтда бу юмуш уч усулда — почта хизмати орқали, субъектларнинг ҳисобот қабул қилувчи идорага бориши, яъни қўлда ҳисобот топшириши ҳамда замонамизнинг беминнат ва қулай дастёри бўлмиш компьютер воситасида электрон шаклда амалга оширилмоқда.***

Ҳар учала усулдан бирортасини танлаш ва ундан фойдаланиш қонун йўли билан чеклаб ёки тақиқлаб қўйилмаган. Лекин кейинги йилларда мижозлар ҳисоботларни ортиқча оворагарчиликлари бўлмаган ва қулай ҳисобланган интернет хизмати орқали электрон шаклда жўнатишни кўпроқ маъқул кўрмоқдалар.

Бу усул солиқ тўловчиларга солиқ ҳисоботларини топширишда ниҳоятда қўл келмоқда. Шунинг учун 2000 йилнинг бошларидан бошлаб Давлат солиқ хизмати тизимида ҳисоботларни интернет воситасида электрон шаклда қабул қилувчи дастурий маҳсуллардан кенг ва унумли фойдаланиш имкони тажриба тариқасида яратила бошланди. Президентимизнинг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қароридан кейин, айниқса, бу борадаги ишлар жонланиб кетди.

Шундай бўлиши керак ҳам эди. Чунки Давлат солиқ хизматининг тобора такомиллашиб бориши, давлатимиз ва ҳукуматимизнинг тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб берганлиги ҳамда ушбу фаолият ҳуқуқий асосларининг пухта яратилганлиги туфайли юртимизда солиқ тўловчилар сони ой сайин эмас, кун сайин ошиб бормоқда. Шунга яраша солиққа оид маълумотлар ҳажми ҳам кўпаяётир. Бу, ўз навбатида, солиқ хизмати органларида маълумотлар ҳисобини юритиш ҳамда ташкил қилишда айрим қийинчиликлар ва ноқулайликларни келтириб чиқара бошлади. Солиқ хизмати органларини замонавий компьютер технологияси билан қуроллантириш, бошқача айтганда, Давлат солиқ хизмати ходимларининг ишини автоматлаштириш эса ана шу қийинчилик ва ноқулайликларни анчагина бартараф эта борди.

Ҳисоботларни электрон кўринишда қабул қилиш дастурий маҳсулларини амалиётда қўллаш дастлаб Тошкент шаҳридаги Миробод тумани Давлат солиқ инспекциясида тажриба тариқасида бошланган эди. Ўтган давр мобайнида ушбу дастурлар сифат жиҳатидан 8 марта такомиллашди. Яъни, ундан фойдаланиш имкониятлари, қулайлиги, махфийлик даражаси ва бошқа дастурларга мутаносиблиги шунча даражада ошди.

Ҳозир туманимизда солиқ тўлаш мажбуриятига эга 3605 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 2186 тасидан ҳисоботлар электрон шаклда қабул қилинади.

Бу кўпми ё оз?

Масаланинг эксперимент тарзда ўртага ташланганлигини инобатга оладиган бўлсак, мазкур натижани кўнгилдагидек, дейиш мумкин.

▼ **Қулайлик**

Лекин барибир савол туғилади: Мирободда 3605 та солиқ тўловчи субъект бор экан-у, нега уларнинг барчаси бирдек дастурий маҳсуллардан фойдаланиш имкониятига эга эмас?

Бу кўпроқ солиқ идоралари ходимларига эмас, балки солиқ тўловчиларга тааллуқли масаладир. Гап шундаки, туманда солиқ идорасида рўйхатдан ўтган бир қатор субъектлар молиявий жиҳатдан электрон имзо олиш имкониятига эга эмас. Булар қаторида маҳалла қўмиталарини, касаба уюшмалари, бюджет, жамоат ва айрим нодавлат, нотижорат ташкилотларини кўрсатиш мумкин. Лекин биз дастурий маҳсул иштирокчилари сафини тобора кенгайтириш мақсадида барча имкониятлардан фойдаланаяпмиз. Яъни, биринчидан, ўз алоқа шароитимизни янада яхшилаётган бўлсак, иккинчидан, солиқ тўловчилар ўртасида мунтазам тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бормоқдамиз.

Биринчи бўлиш доимо қийин кечади. Бинобарин, солиқ тизими фаолиятини тўла автоматлаштириш, компьютерлаштириш нафақат жиддий моддий-молиявий пойдеворни, балки замонавий илмнинг билимдонлари, малакали мутахассислар етарли бўлишини талаб этади. Қисқа муддат ичида инспекцияда шундай мутахассислар етишиб чиқди ҳам. Айни пайтда Миробод Давлат солиқ инспекциясида 11 та дастурий маҳсул муваффақиятли ишлаб турибди. Солиқ тўловчи томонидан интернет орқали йўлланган маълумотлар Давлат солиқ қўмитаси серверида марказлашган ҳолда қабул қилиниб, кейин туман инспекцияларига юборилмоқда.

Хўш, ҳозирги электрон тизим, яъни дастурий маҳсуллар хусусида солиқ тўловчиларнинг ўзлари қандай фикрдалар?

**«Тез ва тежамли».** Дастурий маҳсуллар фаолияти юзасидан «Дипмедсервис» маркази бош ҳисобчиси О. Саткованинг фикри шундай.

— Илгари солиқ идорасига бир ойлик ҳисобот топширишимиз учун бир неча кунлаб сарсон бўлардик, — дейди у. — Ҳисоботларни қабул қилиш бўлимида соатлаб навбатда туришимизни айтмайсизми? Энди эса бундай оворагарчиликлардан тамомила қутулдик. Компьютер воситасида ҳисоботни узатишимиз туфайли юмушларимиз бир зумда битмоқда.

**«Вақтдан ҳам, маблағдан ҳам ютаяпмиз».** Тошкент шаҳар телефон тармоқлари идораси бош ҳисобчиси Т. Ғаппорова ҳисоботларни электрон шаклда узатиш моҳиятини шундай изоҳламоқда. Унинг фикрича, қоғозбозлик, идорама-идора сарсонгарчиликлар барҳам топди. Вақтни эса сўраманг. Ҳар дақиқаси олтиндан қиммат фурсат маҳсулий дастурлар ишга тушиши шарофати билан фойдага қолди.

Демак, Миробод тумани Давлат солиқ инспекциясида республика миқёсида такомиллашган ўта муҳим технология кўз очди. Бу иш ривож топади, албатта. Ушбу қадамлар дастурий маҳсулларни мамлакатимизнинг ғарбидан шарқигача, жанубидан шимолигача ёйишига шубҳа йўқ.

**Сирожиддин ХОЛИЯРОВ,**
**Тошкент шаҳар Миробод тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг ўринбосари.**



# O'ZSANOATQURILISHBANK

***Республикамиз раҳбарияти аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш ва мамлакатни иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантиришга катта эътибор бериш билан бирга, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам устувор вазифалардан бири сифатида қарамоқда. Президентнинг шу йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони айни шу мақсадга қаратилган бўлиб, у «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурини амалга оширишнинг мантиқий давомидир. Чунки, бу ҳужжат талабларини бажариш орқали меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга қадам қўйиш чоғида ёшларга зарур ёрдамни кўрсатиш жамиятнинг асосий негизини мустаҳкамлаш учун кенг шарт-шароитлар яратади. Бу эса мамлакат гуллаб-яшнашининг гаровидир.***

***Шуни ҳисобга олиб, барча тижорат банклари қаторида «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳам ёш оилаларга рўзғор учун энг муҳим ва узоқ муддат фойдаланиладиган буюмларни харид қилишлари учун имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитлари, оилавий бизнесни йўлга қўйиш учун эса микрокредитлар ажратмоқда.***

*«Ўзсаноатқурилишбанк»:*

# ЁШ ОИЛАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

## Жўраевлар орзуси ушалди

Сирдарё вилояти, Оқолтин тумани, Бўстон қишлоғида яшовчи эр-хотин Жўраевлар «Нарзиқул ўғли Камол» фермер хўжалигида ишлашади. Бир ўғил, бир қизи бор. Ота-оналари билан бир хонадонда яшашади.

— Биз кўпдан бери ўз уй-жойимиз бўлишини орзу қилардик, — дея ҳикоя қилади Йўлчибой Жўраев. — Катталар билан маслаҳатлашиб, ипотека кредити олиш учун «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Сирдарё бўлимига мурожаат қилдик. Сабаби, бу банк республикадаги энг ишончли молиявий институтлардан бири бўлиб, у аҳолига хизмат кўрсатадиган энг ишончли молиявий муассаса эканлигини аллақачон амалда исботлаган. Зеро, кўплаб оилаларнинг айнан шу банк хизматидан фойдаланаётгани бежиз эмас.

**— Банкдагилар сизларнинг муаммоларингизга қандай қарашди?**

— Хайрихоҳлик, жиддий эътибор билан қарашди. Мутахассислар барча зарур ахборотлар билан таъминлаб, ҳужжатларни қандай расмийлаштириш ва ипотека кредитини олиш шартларини тушунтиришди. Шундан кейин мен банкка барча керакли ҳужжатларни, шу жумладан, оиламиз аъзоларининг даромадлари ҳақидаги маълумотномани ҳам тақдим этдим. Кредит олиш шартига мувофиқ, уй-жой қийматининг 25 фоизи миқдорида пул тўладим.

**— Кредит қандай шартлар билан берилди?**

— Уй сотиб олишимиз учун имтиёзли фоизли ставкадаги кредитни 15 йил муддатга беришди. Бизга берилган бу ипотека кредитининг фойдали томони кўп. Шулардан бири — у уч йиллик имтиёзли муддатга эга. Бу муддатда мен фақат ҳисобланган фоиз суммасини тўлаб бораман. Ҳамма аъзолари ишлаб турган оила учун бу жуда қулай. Ишончим комилки, ипотека кредитини вақтида қайтарамиз.

**— Банкка мурожаат қилганингиздан сўнг масала қанча вақтда ҳал бўлди?**

— Банк аризамизни қабул қилиб олиб, барча ҳужжатлар расмийлаштирилганидан сўнг, ходимлар беш кун давомида уларни ўрганиб, мавжуд маълумотларнинг тўғрилигини текширдилар. Ипотека кредитини олганимиздан кейин эса, ҳеч қанча вақт ўтмай, барча қулайликларга эга бўлган кенггина уй-жой сотиб олдик. Дарвоқе, энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллигини янги уйда кутиб олдик.



Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

## Ипотека кредити қандай расмийлаштирилади?

Бу ҳақда банкнинг Чакана хизматлар департаменти директори С.Усмонов шундай дейди:

— Уй-жой харид қилиш учун имтиёзли кредит олмоқчи бўлган оила шароити, аввало, ёш оилалар олдига қўйиладиган қонуний талабларга мос келмоқ лозим. Чунончи, эр-хотиннинг ёшлари 30 дан ошмаслиги, улар биринчи марта никоҳда бўлишлари, ишга жойлашган, тўлов қобилиятига эга ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлишлари зарур. Ёш оилалар «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг ўз туражойларидаги филиалига мурожаат қилишлари мумкин.

Шахсий уй ёки кўп қаватли уйлардан квартира сотиб олмоқчи бўлган қарз олувчи ипотека кредитини расмийлаштириш учун кредит суммаси кўрсатилган ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

1. Шахсий уй-жой ёки кўп қаватли уйдаги квартира олди-сотдиси ҳақида олдиндан тузилган шартнома. Унда уй ёки квартиранинг келишилган нархи кўрсатилади, уй ёки квартирага эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

2. Ариза берувчи ва у билан яшовчи оила аъзоларига доимий иш жойларидан сўнгги 12 ойдаги даромадлари ҳақида маълумотнома ёки улар тўлдирган даромад декларациясининг нусхаси. Бу ҳужжатлар давлат солиқ хизмати органлари томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

3. Банкнинг ариза берувчи номидаги омонат ҳисобварақҡа сотиб олинаётган объект қийматининг 25 фоизи миқдорида маблағ қўйилганлиги ҳақидаги маълумотномаси.

4. Оила аъзоларининг таркиби ҳақида тураржойдан маълумотнома ва ариза берувчининг паспортидан кўчирма.

Ана шу ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг банк бир ҳафта муддат ичида уларни ўрганади ва мавжуд маълумотларнинг тўғрилигини текширади. Ушбу ўрганиш ва текширувлар натижасига қараб, кредит комиссияси аризани қондириш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ҳозир ипотека кредитларига солиқ имтиёзлари ҳам қўлланилмоқда. Бунда ойлик иш ҳақи ва солиққа тортиладиган даромадларнинг бир қисми асосий қарзни ва ипотека кредитининг фоизини ёпишга йўналтирилади ва даромад солиғига тортилмайди.

Ипотека кредитларига солиқ имтиёзлари жисмоний шахснинг бошланғич бадални пул ўтказиш йўли билан киритиши мумкинлигини назарда тутади. Яъни, хўжалик юритувчи субъект ўз ходими учун зарур суммани ўтказиб бериши мумкин. Бу субъектнинг хоҳишига қараб, сотиб олинаётган кўчмас мулк қийматининг 25 ёки 50 фоизи миқдорида бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳолда хўжалик субъектининг солиққа тортилувчи базаси фойдадан солиқ ёки ягона солиқ тўлови ҳисоблашда ўз ходимига кўрсатилган беминнат ёрдам суммаси миқдорида камайтирилади. Бироқ ўз ходимига ўтказилган сумма хўжалик субъектининг солиққа тортилувчи базасининг 10 фоизидан ошмаслиги керак.

## Истеъмол кредитими? Марҳамат!

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмол кредити тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш учун «Ўзсаноатқурилишбанк» молиявий истеъмол кредитлари беришни кенг қўлламоқда. Асосий эътибор ёш оилаларга қаратилмоқда, албатта. Банк уларга имтиёзли шартларда, уч йил муддатга молиявий истеъмол кредити бермоқда. Бу кредит уй хўжалигини яхшилаб жиҳозлаш, яъни мебель, рўзғор техник буюмлари ва бошқа халқ истеъмоли молларини харид қилишга мўлжалланган.

Тошкент вилоятининг Зангиота тумани фуқароси, «Elsis-Savdo» брокерлик компанияси ходими Феруз Бурҳонов «Ўзсаноатқурилишбанк»дан таваккал қилиб истеъмол кредити олган эди. Энди бу ишидан жуда мамнун.

— Анчадан бери янги телевизор ва совутқич харид қилишни мўлжаллаб юрардим, — дейди Ф.Бурҳонов. — Лекин кундалик рўзғор харажатлари бунга имкон бермасди. Яқинда дўстларимдан «Ўзсаноатқурилишбанк» жуда мақбул шартларда истеъмол кредити бераётганини эшитиб қолдим-у, дарҳол шу банкнинг уйимиз яқинидаги филиалига мурожаат қилдим. Ходимлар мени илиқ ва хушмуомалалик билан кутиб олишди. Истеъмол кредити олиш учун қандай ҳужжатлар талаб қилинишини атрофлича тушунтиришди, уларни расмийлаштириш жараёни ҳақида маълумотлар беришди.

Шундан сўнг банкда сотиб олмоқчи бўлган рўзғор буюмлари умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида депозит очиб, кредитни расмийлаштириш учун зарур бўладиган барча ҳужжатларни тақдим этдим. Банк ходимлари аризамни зудлик билан кўриб чиқишди ва танлаган буюмларимнинг тўла қийматини беш кун ичида тўлашди.

«Ўзсаноатқурилишбанк»дан олинган истеъмол кредити қулайлиги ва шартларининг мақбуллиги билан ажралиб туради. Мен уни йиллик 11 фоиз ставкаси билан 3 йил муддатга олдим. Кредит суммасини ёпиш юзасидан банк ходимлари ишлаб чиққан жадвал бўйича ойлик маошимдан босиб қолинади ва уч йилда қарздан бутунлай қутуламан.

Мен банк ёрдамида қилган харидимдан хурсанд бўлиш билан бирга, қисқа вақтда «Ўзсаноатқурилишбанк» ходимларининг касб маҳорати, ишига лаёқатлари ва тезкорликларини, энг муҳими эса, менинг энг эзгу орзуим шулар туфайли рўёбга чиққанини юракдан ҳис қилдим.

## Микрокредит — оила бизнесига йўл

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб бораётгани мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганининг самарасидир. Шуни айтиш керакки, бу соҳа ҳозирданоқ асосий бўғинга айланиб, аҳоли бандлигини ва даромадининг ошишини таъминламоқда. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг имтиёзли кредитлари эса тадбиркорларимизга ўз хўжалик вазифаларини муваффақиятли бажариш имконини бермоқда.

Маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ҳисобига халқ истеъмоли моллари, шунингдек, импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган товарлар ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларга ҳам банк жиддий эътибор бермоқда. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамоллар бош сонини кўпайтириш рағбатлантирилмоқда. Чунки бу қишлоқ аҳолисининг бандлигини оширади ва чорвачилик маҳсулотларининг кўпайишига ёрдам беради.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ёш оилаларга имтиёзли шартларда тавсия этаётган хизмат тури оилавий бизнесни йўлга қўйиш учун бериладиган микрокредитдир. Шу мақсадда ёш оилаларга ажратилаётган кредитларнинг асосий қисми Имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан шакллантирилиб, фоиз ставкаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизига тенг. Бошқача қилиб айтганда, йиллиги 7 фоиз бўлиб, чорвачиликни ривожлантириш ҳамда тадбиркорлик ташаббусини кучайтириш учун берилади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» олиб бораётган кредит сиёсати ишончли кредитлаш тизимини ташкил этиш, шу жумладан, ёш авлод салоҳиятини ишга солиш йўлида катта имкониятлар яратаётир. Ёш оилалар эса, ўз навбатида, бу имкониятлардан фойдаланиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

**Банкнинг ривожлантириш стратегияси бошқармаси.** t

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Хитойнинг тўртинчи космодроми



***Хитой ҳукумати янги космодром қуриш тўғрисидаги режани тасдиқлади. «China Daily» газетаси хабарига қараганда, бу иншоот мамлакат жанубидаги Хайнань оролида қурилади.***

20 квадрат километрни ташкил этадиган жойда учиш майдонидан ташқари, учишни бошқариш маркази, шунингдек, янги авлод ракета-ташувчиларни йиғадиган корхона ҳам қад ростлайди.

Шу кунгача Хитойда учта космодром бор эди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Хайнань космодроми имкониятлари кенглиги билан аввалгиларидан фарқ қилади.

## Вертолёт ҳалокатга учради

**«Reuters» хабарига кўра, кеча АҚШ Куролли кучларига қарашли «МН60» вертолёти Тинч океани ҳудудидаги Гуам оролида ҳалокатга учраган. Оқибатда экипаж аъзоларининг биттаси вафот этган, уч нафари эса тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилган.**

**Ўқув машқлари пайтида содир бўлган ушбу ҳалокат сабабларини махсус комиссия ўрганишга киришди.**

## Маҳбуслар исёни



Бразилиянинг Манаус шаҳридаги қамоқхонада сақланаётган маҳбуслар исён кўтаришиб, тўрт нафар кишини гаровга олишди. Бу ҳақда «Globo» телекомпанияси хабар тарқатди.

Амазонас штатининг адлия ва инсон ҳуқуқлари бўйича котиби Карлус Лауриянинг қайд этишича, бир маҳбус тўсатдан вафот этгандан сўнг, 500 нафар маҳбус қамоқхонага ўт қўйиб, тўполон кўтаришган.

Ҳозирда полиция исёнчилар билан музокаралар олиб бормоқда.

## Номзод кўрсатилди

***Шу йилнинг 15 сентябридан 15 октябригача бўлган санада Покистонда президент сайловлари бўлиб ўтиши керак.***

Мамлакат адвокатлар коллегияси ва мухолифат кучлар Важи Юддин Аҳмадни президентликка номзод сифатида кўрсатди. Юддин Аҳмад 2000 йилга қадар Покистон олий судьяси вазифасида фаолият кўрсатган.

Адвокатлар коллегияси раиси ўринбосари Тарик Маҳмуднинг таъкидлашича, собиқ олий судья номзоди кўрсатилишига розилик билдирган. Яқин вақт ичида унинг ҳужжатлари сайлов комиссиясига топширилади.

## Тезлик келтирган фожиа



**Афғонистоннинг Кобул ва Қандаҳор шаҳарларини боғловчи йўлда икки автобус тўқнашиб кетди. Оқибатда 40 нафар йўловчи ҳалок бўлди. «Associated Press» хабарига қараганда, ҳалок бўлганларнинг 15 нафари аёллар ва болалардир.**

**Полиция вакилининг таъкидлашича, автобуслар тезлигининг юқорилиги ҳалокат рўй беришига сабаб бўлган.**

## Қуюн балоси

Кеча кечқурун Буюк Британиянинг Нанитон шаҳрига қуюн бостириб келди. Оқибатда 35 та уй вайронага айланли. «Sky News» телеканали хабарида айтилишича, ҳозирда вайрон бўлган жойларда ўт ўчирувчилар ва қутқарувчилар ишламоқда. Мамлакатнинг Гэмпшир графлигидаги Фарнборо шаҳарчасида ҳам кичикроқ қуюн қайд этилди.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**


«РАВШАН»
ҳиссадорлик жамиятига қарашли қуйидаги автомобилларга Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан берилган лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади:

*АТ № 0019981 А/М КАМАЗ-5320, давлат рақами 10AR 795*

*АТ № 0314698 А/М КАМАЗ-5410, давлат рақами 10АН 939*

1413R/1728

«ТУРКИСТОН» ХУСУСИЙ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИНВЕСТИЦИЯ БАНКИ

барча ўқитувчилар ва мураббийларни кириб келаётган касб байрами билан табриклайди ва янги

«УСТОЗЛАР»

омонат турини таклиф этади.

Сақлаш муддати — 3 ой.
Омонатга йиллик 25% ҳисобланади.

*Шунингдек, қуйидаги омонат турларига маблағларингизни қўйишингизни таклиф этамиз:*

| | | |
|---|---|---|
| Талаб қилиб олгунча | йиллик 6% | муддатсиз |
| «Омад» | йиллик 24% | 3 ойга |
| «Жасорат» | йиллик 24% | 1 кундан 45 кунгача |
| «Мустақиллик — 16» | йиллик 24% | 2 ойга |
| «Олтин куз» | йиллик 24% | 4 ойга |
| «Капитал плюс» | йиллик 24% | 6 ойга |
| «Ижтимоий ҳимоя» | йиллик 24% | 12 ойга |

Тўлиқ маълумотларни банкнинг барча омонат кассаларидан олишингиз мумкин.

Маълумот учун телефон: (+9871) 132-18-57.

1414R/1713



*Халқимиз сўз ҳақида омади гаплар айтган: "Билган топиб сўзлар, билмаган қопиб", "Яхши сўз — жон озиғи, ёмон сўз — бош қозиғи", "Яхши сўз билан илон инидан чиқар, ёмон сўз билан — пичоқ қинидан"... Доноларнинг сўз ҳақидаги бу каби мақол ва маталлари бизни ҳалол яшашга, мураккаб ҳаётнинг чигал йўлларидан энг тўғрисини танлашга ўргатади. Сўз ва иш бирлиги ҳамиша одоб-икромнинг муҳим тамойилларидан бўлиб келди.*

*Сўзга бўлган муносабат ҳамиша долзарблигича қолаверади. Биз ҳозирги кунларда ҳам сўз ва иш бирлигини ҳаёт мезони деб биладиган ажойиб кишиларни биламиз. Улар учун ўзининг аҳду паймонига содиқ қолиш, лафзи ҳалоллик, халқ ва ватан манфаатларига садоқат — нафас олиш каби ҳаётий муҳим масала, аъмолларининг оғишмай риоя қилинадиган дастуриламалларидандир.*

*Афсуски, шундай масъулиятсиз одамлар ҳам учраб турадики, улар айтилган сўз — отилган ўқ эканлигини унутиб қўядилар. Ҳуда-беҳудага гап сотиб, ўзларининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам бошига бало орттираётганларига ақли етмай, ғафлатда қоладилар. Бундай кишиларга халқимизнинг "Аввал ўйла, кейин сўйла" деган доно ўгитини эслатиб қўйгинг келади.*

*Халқимизнинг сўзга бўлган эҳтиёткорона муносабати унинг доно, мутафаккир фарзандларига — шоирларга, файласуфларга ҳамиша дастуриламал бўлиб келди. Улар сўз одамзотнинг энг нозик, жузъий ҳаёт масалаларидан тортиб, энг улкан жабҳа — сиёсат майдонларигача — барча-барчасида муҳим аҳамият касб этадиган муносабат қуроли эканлигини чуқур англар эдилар. Шулардан бири — Муҳаммад Ризо Огаҳийдир.*

# СЎЗ ЖИЛОСИ

Сўз — Муҳаммад Ризо Огаҳий ижодида алоҳида мавзу сифатида баланд мавқега эга. Шоир сўз мулкининг олий мартабали ижодкори бўлганлигидан, бу қуролни ҳайратланарли маҳорат билан ишлатибгина қолмасдан, ўз ўқувчиларини сўздан оқилона баҳраманд бўлишга, бу беназир санъатни кўз қорачиғидек ардоқлашга даъват этади.

Огаҳий ҳазратлари бир ўринда сўз қадрини инсон учун ниҳоятда азиз бўлган фарзанд ҳамда иморат билан қиёслаб, сўзни улардан-да юксакроқ ўринга қўяди. Чунки, шоир таъкидлаганидек, фарзанд ва иморат жаҳон ичра боқий эмаслар. Сўзнинг эса мангу қолиши эҳтимол:

***Киши сонсиз иморат қилса бунёд***
***Ва ёким ҳаддин афзуд қўйса авлод,***
***Тутиб бўлмас бирисидин бақо кўз,***
***Қолур боқий жаҳон ичра, магар сўз.***

Албатта, сўз ўзи изҳор қилаётган мазмундаги буюм ёки жонзотдан узоқ ҳаёт кечириши мумкин. Бироқ, модомики, сўз тирик экан, сўз билан ифода қилинаётган буюм ёки жонзот ҳам руҳан барҳаётдир.

Шоир уқтиришича, сўз — ақл қуроли. Шунинг учун ҳам сўзни ўз табиатига хилоф тарзда, яъни нодонлик йўлида қўллаган одам ёки сўзнинг ҳурматини ўрнига қўя олмаган одам одам саналмайди:

***Эй кўнгил, одам хаёл айлаб***
***дема нодонға сўз,***
***Чунки ул инсон эмас,***
***топсанг дегил инсонга сўз.***

Бу мисралардан яна шундай хулоса келиб чиқадики, инсонга сўз айтиш учун муносиб сўзни топа билиш, айта билиш ва уни тинглай билиш ҳам керак. Ана шундагина сўз ўзининг илоҳий вазифасини адо этган бўлади, яъни кишини ҳайвонликдан халос этиб, инсонлик сари юксалтиради.

**«Сўзни мафҳум айламак нофаҳмға мушкулдурур»,** дейди шоир сўз ҳақида фикрлашда давом қилаётиб. "Мафҳум айламак", бу — тушунтирмоқ дегани. Шоирнинг фикрича, нофаҳм одамга, борди-ю, сўзни тушунтирганингизда ҳам, мазкур сўз таъсир қилмайди, чунки у нодондир. Шу ўринда бир ҳикмат ойдинлашади: сўзни тушуниш бошқа-ю, ундан таъсирланиш, унга амал қилиш бошқа. Нофаҳм одамга сўз уқтиришни шоир темирчининг сандонига болға уриш билан қиёслайди:

### ▼ Мутолаа

***Сангидил, жоҳилға, тонг йўқ,***
***сўз агар қилмас асар,***
***Чунки таъсир айламак***
***мумкин эмас сандонға сўз.***

Ота-боболаримиздан қолган ҳикматлардан маълумки, яхши сўз ҳам эҳсондир. Сўз воситасида билим тарқатмоқ эҳсонларнинг улуғидир. Мавриди келганда, мутлақо ўринли аччиқ сўзингни айтмасдан, тилингни тийиб туриш ҳам эҳсондир, садақадир.

Сўз билан мана шундай тарзда муомала қила оладиган, сўзга мана шундай талаблар даражасидан келиб чиқиб муносабатда бўладиган одамлар билан мулоқотда бўлиш маънавий нуқтаи назардан манфаатлидир:

***Ҳар хасосатшеваға***
***сўзингни зое қилмағил,***
***Сўз демак гар истасанг,***
***де соҳиби эҳсонга сўз.***

Шундан сўнг Огаҳий бутун жаҳон адабиётига сархат бўлишга арзийдиган фикрни ўртага ташлайди:

***Билмаган ўз қадрини,***
***не билгуси сўз қадрини...***

Демак, сўзнинг вазифаси — инсонга ўз инсонлик шаънини англатишдир.

"Одамнинг оласи ичида, молнинг оласи сиртида" деган халқ мақоли бор. Мана шу одамнинг ичидаги "ола"сини сиртга чиқарадиган ҳам сўздир. Зийрак одам, Огаҳий талқинича, одамнинг айтаётган сўзига қараб, унинг ичидаги сифатларни сиртига чиқариб, тўғри тушуна олади.

***Сўзига боқ агар***
***билмак тиларсан кимса аҳволин,***
***Ки, асрори ниҳони суратига***
***келди мазхар сўз.***

Огаҳий ҳасад аҳлини, айниқса, сўз мавзусига бағишланган ғазалларида изчиллик билан қоралайди. Бу тасодиф эмас, албатта. Чунки Огаҳий бахил одамларнинг аъмолларини "Авесто" тараннум қилган фазилатларнинг зидди эканлигини теран англар эди. «Авесто»да айтилганидай, одамнинг ҳаёти "Эзгу фикр", "Эзгу сўз ", "Эзгу амал" бўлиши керак.

Умуман олганда, Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг Сўзни англаш ва ботинан ҳис этишга оид фикрлари бугунги кунда ҳам ҳар биримизни Сўзни ардоқлашга, унинг нафис жилоларига эътибор беришга ундайди.

**Матназар АБДУЛҲАКИМ,**
**Хоразм Маъмун академиясининг илмий ходими.**


РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

«ҒАЛЛАБАНК»

*мамлакатимизда ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли шартлар асосида*

МИКРОКРЕДИТЛАР ИПОТЕКА КРЕДИТИ

МОЛИЯВИЙ ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИНИ

*таклиф этади.*

*Шунингдек, банкда*
«MURABBIY» — 2 ой,
«ZIYO» — 3 ой,
«MEZON» — 6 ой
*каби миллий валютадаги янги муддатли омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қиламиз.*

**Мазкур омонат турларига маблағ 2007 йилнинг 15 сентябридан 15 октябрига қадар қабул қилинади ва йиллик 24% миқдорида устама ҳисобланади.**

Бундан ташқари, банкда **«ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛГУНЧА» — йиллик 1,0%, «3 ОЙ МУДДАТГАЧА» — йиллик 3,6%, «6 ОЙ МУДДАТГАЧА» — йиллик 5,0%** ва **«12 ОЙ МУДДАТГАЧА» — йиллик 6,0%** тўлаш шарти билан хорижий валютада қабул қилинадиган омонат турлари мавжуд.

**Маълумот учун телефонлар:**
**136-15-01, 136-14-22, 136-74-30, 136-14-27.**

*«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!*

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН


Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт

***Футбол бўйича мамлакат XVI миллий чемпионати олий лигасидаги ҳар бир тур, ҳар бир учрашув жамоаларнинг мусобақа жадвалида эгаллаган ўринларига аниқлик киритаяпти. Кучлиларни саралаяпти. Йигирма биринчи тур натижалари ҳам футбол клубларимизнинг имконияти қай даражада эканлигини кўрсатди.***



## ҲУЖУМ — ЭНГ ЯХШИ ҲИМОЯ

Бу турда кўпчилик мухлисларнинг эътибори пойтахтнинг икки жамоаси — ягона пешқадам «Пахтакор» ва уни таъқиб этиб келаётган «Қурувчи» ўртасидаги ўзаро беллашувга қаратилганди. 90 дақиқа мобайнида дарвозалар дахлсиз қолгани ҳар икки жамоанинг бир-бирига муносиб рақиб эканлигини кўрсатди.

Турнинг марказий учрашувларидан яна бири Самарқанддаги «Олимпия» стадионида бўлиб ўтди. Кейинги пайтларда чиройли ва ишончли ўйинлар кўрсатиб, мухлислари ишончини қозонаётган майдон эгалари — «Самарқанд-Д.» учун бу гал мамлакатимизнинг энг кучли клубларидан бири — Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси қаршилигини енгиш, ўйинда рақибдан устун келиш осон эмасди.

Ана шу масъулиятни ҳис этган майдон эгалари учрашув бошиданоқ ҳужумга бел боғлашди. Айтиш жоизки, биринчи бўлимнинг ярми тўлиқ самарқандлик футболчилар устунлигида ўтди. Аммо улар меҳмонлар дарвозаси ёнида юзага келтирилган бир неча қулай вазиятлардан фойдалана олишмади. Фарғоналикларнинг кейинги дақиқалардаги қарши ҳужумлари ҳам самара бермади.

Учрашувнинг иккинчи бўлими бошиданоқ ҳар икки жамоа ҳужумкор ўйин кўрсатиш ҳаракатида майдоннинг ҳар қаричи учун курашди. Дарвозалар узоқ-яқиндан нишонга олинди. Шундай ҳужумларнинг бирини учрашувнинг иккинчи бўлимида майдонга тушган динамочи Санжар Акрамов чиройли тарздаги гол билан якунлади. Бундан руҳланган самарқандликлар бутун жамоа бўлиб, ҳужум устига ҳужум уюштиришди. Ва ниҳоят, жамоа тўпурари Фарҳод Тожиевга омад кулиб боқди. Дарвозабон билан бирма-бир чиққан Фарҳод рақиб дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисобни 2:0 га етказди.

Қарангки, ҳали «Самарқанд-Д.» мухлисларининг олқишлари ниҳоясига етмай майдон эгалари дарвозасига жавоб тўпи киритилди (2:1).

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Тўпаланг»-«Шўртан» 2:0, «Бухоро»-«Насаф» 1:0, «Навбаҳор»-«Андижон» 3:0, «Қизилқум»-«Вобкент» 1:0, «Машъал»-«Локомотив» 4:1, «Трактор»-«Металлург» 5:1.

Турнир жадвалида «Пахтакор» 57 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Иккинчи ўринда бораётган «Қурувчи» ҳисобида 50, учинчи ўринни эгаллаб турган «Машъал» ҳисобида эса 48 очко бор.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ҳамюртларимиз совриндорлар сафида

***18-22 сентябрь кунлари Брест (Беларусь) шаҳрида ўсмирлар ва қизлар ўртасида ташкиллаштирилган I Евроосиё спорт ўйинларида муваффақиятли қатнашган ҳамюртларимиз Тошкент халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олинди.***

Уч кун давом этган беллашувларда Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбойжон, Молдова, Литва ва Украинадан келган минг нафарга яқин ёшлар спортнинг ўн тури бўйича ўзаро куч синашдилар.

— Ёш спортчиларимиз ўз олдиларига қўйилган вазифани аъло даражада уддалашди, — дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлиги масъул ходими Ҳайдар Акбаров. — Фикримизни уларнинг етмиш фоизи совриндорлар сафидан жой олганлиги ҳам исботлайди. Эркин курашчилардан Шукрулла Дадажонов ва Олимжон Тошкенбоев, белбоғли курашдан Жасур Эгамбердиев, самбодан Рифат Раҳматуллаев ва Шоҳруҳ Кўчқоров, енгил атлетика бўйича Анастасия Свечникова, Валерия Канатова ва Гулшаной Сатторовалар олтин медалларни қўлга киритиб, терма жамоамиз муваффақиятига муносиб улуш қўшдилар. Шунингдек, терма жамоамиз аъзолари 9 та кумуш ва 6 та бронза медалларига ҳам сазовор бўлишди.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Сигнал» ва "Газдевайс" ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 $м^3$, 250 $м^3$, 400 $м^3$, 650 $м^3$, 1000 $м^3$, 1600 $м^3$ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН



замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 $м^3$ дан 25 $м^3$ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 $м^3$ дан 40 $м^3$ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 $м^3$ дан 6 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 $м^3$ дан 10 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 $м^3$ дан 16 $м^3$ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.



Российский линолеум
Обои виниловые
Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован
тел. 134-48-11
факс 134-49-58


*«Равшанавто» ШХЖга қарашли, «Кубань» Г-АІ-02 русумли, давлат рақам белгиси 10АК 532 бўлган автомобилга 2006 йил 25 майда 1 йил муддатга Ўзбекистон Автомобиль ва дарё агентлиги томонидан берилган АТ № 0006008 лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли*
**бекор қилинади.**


Газеталар, китоблар, журналлар
BTL ARZIMEDIA
BTLArziMedia
Обуна — 2008
Тел.: 150-30-50, 133-16-16


Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суд раисининг ўринбосари - Ҳарбий ҳайъат раиси Шоюнус Газиевга онаси **САНОБАР аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Абдулла Қаҳҳор номидаги республика Сатира театри жамоаси театр актёри, Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёровга ўғли **Элёр ИХТИЁРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари университет «Француз тили грамматикаси ва тарихи кафедраси» мудири, доцент Жамолиддин Ёқубовга синглиси **Тўлқиной ЁҚУБОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 24960 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 6